



**ЗЎРАВОНЛИК ВА ТАЗИЙҚА УЧРАЁТГАН АЁЛЛАРГА КЎМАК БЕРИШ
ҲАМДА АЁЛЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ, БИЗНЕСДАГИ
ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ҲУҚУҚШУНОСЛИК,
ПСИХОЛОГИЯ ВА СОЦИОЛОГИЯ СОҲАЛАРИДА МАВЖУД ҚАРАШЛАР**

Шодиева Мадинабону Бобир кизи

Тошкент давлат юридик университети талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик, шунингдек, жамиятда уларнинг ролини паст баҳолаш масалалари таҳлил қилинади. Муаллиф халқаро жамоатчилик дикқат марказида турган ушибу муаммоларнинг глобал характери ва уларнинг жамиятнинг турли соҳаларига кўрсатаётган салбий таъсирини ёритади. Аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини чеклаши нафақат уларнинг шахсий ҳаётига, балки меҳнат бозоридаги имкониятларига, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ҳам жиоддий тўсиқ бўлиши таъкидланади. Муҳокама қилинган муаммолар гендер тенглигини таъминлаши ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишидаги мураккабликларни очиб беради.

Калит сўзлар: тазийқ ва зўравонлик, гендер тенглиги, аёллар ҳуқуқлари, ижтимоий ривожланиши, иқтисодий ривожланиши, меҳнат бозори, халқаро жамоатчилик

Аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик, шунингдек, жамиятда уларнинг ролини паст баҳолаш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини чеклаш — бугунги кунда халқаро жамоатчилик дикқат марказида бўлган долзарб масалалардан биридир. Бу муаммолар глобал характерга эга бўлиб, жамиятнинг турли соҳаларига салбий таъсири кўрсатади. Аёллар дуч келадиган тазийқ ва зўравонлик нафақат уларнинг шахсий ҳаёти, балки меҳнат бозоридаги имкониятлари, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ҳам катта тўсиқ бўлади.

Зўравонликнинг турли қўринишлари, жумладан, жисмоний, маънавий, иқтисодий ва руҳий тазиқлар аёллар ҳаётининг барча жабҳаларига таъсири кўрсатади. Жамиятда аёлларнинг иккинчи даражали мақомга эга деб қаралиши уларнинг таълим олиш, қасбий ривожланиш, қарорлар қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этиш имкониятларини сезиларли даражада камайтиради.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун хукуматлар, нодавлат ташкилотлар, инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва халқаро ташкилотлар томонидан кўплаб дастурлар ва қонунчилик ташаббуслари жорий қилинмоқда. Гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларга нисбатан тазийқ ҳамда зўравонликни тутатишга қаратилган халқаро конвенциялар ва миллий қонунлар қабул қилинмоқда. Бироқ, бу қонунларнинг ижросини таъминлаш ва амалда қўллаш ҳанузгача кўплаб мамлакатларда етарли даражада эмас.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Аёлларнинг жамиятдаги ролини паст баҳолаш уларнинг фақат иқтисодий эмас, балки ижтимоий ва сиёсий жараёнлардаги иштирокига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Аёллар қарорлар қабул қилиш жараёнларида етарлича иштирок этмаслиги жамият тараққиётига тўсқинлик қиласи, чунки уларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги катта ҳиссаси тан олинмай қолмоқда.

Шундай қилиб, аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик фақат шахсий муаммо эмас, балки кенг қамровли ижтимоий муаммодир ва уни ҳал этиш жамиятнинг умумий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонлик масалалари жамиятнинг кўплаб соҳаларида чуқур ўрганилиб, таҳлил қилинади. Хусусан, ҳукуқшунослик, психология ва социология соҳаларида бу муаммоларга нисбатан турли хил ёндашувлар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Ҳукуқшунослик соҳасида аёлларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш учун турли қонунлар ва халқаро конвенциялар қабул қилиниб, жорий этилмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотлар аёлларни ҳимоя қилиш, зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва зўравонликнинг олдини олиш бўйича самарали ҳукуқий механизмларни яратишга қаратилган. Қонунлар ва ҳукуқий хужжатлар аёлларга ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва тазийқ ҳамда зўравонликка қарши курашиш имкониятини тақдим этади.

Психология соҳасида эса аёлларга нисбатан зўравонликнинг психологик оқибатлари, зўравонлик қурбонларининг руҳий ҳолатига таъсири, травма ва стресс каби ҳолатлар муҳим ўрганилади. Психологлар аёлларнинг психологик барқарорлигини тиклаш ва уларга ёрдам бериш учун психотерапевтик ва психологик ёрдам дастурларини ишлаб чиқадилар. Шунингдек, психология зўравонлик қилувчиларнинг хулқ-автори ва психологиясини ўрганиш орқали бундай ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Социология - жамиятда аёлларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг ижтимоий сабабларини ўрганишга йўналтирилган. Бу соҳадаги тадқиқотлар гендер тенгсизлиги, аёлларнинг жамиятдаги паст мақоми, патриархал анъаналар ва маданий омилларни таҳлил қиласи. Социологик тадқиқотлар аёлларнинг жамиятдаги ролини ўзгартириш ва гендер тенглигини таъминлаш учун ижтимоий ўзгаришларга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Мазкур докладнинг мақсади зўравонлик ва тазийққа дучор бўлган аёлларга ёрдам бериш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш ва бизнес соҳасидаги имкониятларини кенгайтириш масалаларига ҳукуқий, психологик ва социологик нуқтаи назардан ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилишдир.

Ҳукуқий ёндашувлар қараганда, аёлларга нисбатан зўравонликни йўқотиши ва уларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб миллий ва халқаро қонунлар ҳамда конвенциялар қабул қилинган. Жумладан, БМТнинг «Аёлларга нисбатан ҳар қандай зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси» аёлларнинг



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Миллий қонунчилик эса аёлларни тазиқ ва зўравонлиқдан муҳофаза қилиш, шунингдек, уларга хуқуқий ёрдам кўрсатиш учун зарур механизмларни тақдим этади. Бироқ, ушбу қонунларнинг тўлиқ ижроси ва амалда самарали қўлланилиши кўплаб мамлакатларда ҳанузгача муаммо бўлиб қолмоқда.

Психологик нуктаний назардан, аёлларга нисбатан зўравонликнинг психологик оқибатлари атрофлича ўрганилади. Зўравонлик қурбонларининг руҳий саломатлигига етказилган заар, шу жумладан, стресс ва депрессия ҳолатларини бартараф этишга қаратилган дастурлар алоҳида аҳамиятга эга. Психологлар аёлларга психологик ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг руҳий барқарорлигини тиклашга кўмаклашади. Шу билан бирга, зўравонлик қиласидиган шахсларнинг хулқ-атвори ҳам ўрганилади, бу эса зўравонлик ҳолатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Социология соҳасида аёлларга нисбатан тазиқ ва зўравонликнинг ижтимоий илдизлари ўрганилади. Жамиятдаги гендер тенгсизлиги, патриархал қадриятлар ва аёлларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ролини камситиш каби омиллар жамиятнинг барқарор ривожланишига жиддий тўсқинлик қиласиди. Социологик тадқиқотлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеини қучайтириш, уларнинг қарор қабул қилиш жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш ва иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқишига ёрдам беради.

Аёлларга нисбатан зўравонлик ва тазиқ нафақат шахсий муаммо, балки кенг қамровли ижтимоий муаммо ҳисобланади. Бу муаммони самарали ҳал қилиш учун хукуқий, психологик ва социологик соҳаларда чукур тадбирлар ўтказиш зарур. Зўравонликка қарши қурашиш, аёлларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бизнес ҳамда жамиятдаги имкониятларини кенгайтириш жамиятнинг барқарор ривожланиши ва гендер тенглигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хукуқшунослик нуктаи назаридан, Зўравонлик ва тазиққа учраган аёллар хукуқий ҳимояга эҳтиёжманд бўлиб, бу соҳадаги қонунчилик муҳим рол ўйнайди. Кўплаб давлатларда аёлларни ҳимоя қилишга қаратилган маҳсус қонунлар ва тартиблар мавжуд. Масалан, мажбурий ҳимоя буйруқлари, зўравонлик содир этган шахсларни жазолаш ва аёллар учун маҳсус суд жараёнларини ташкил этиш каби чоралар қонунлар орқали таъминланади. Бу қонунлар аёлларнинг хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлса-да, уларнинг амалиётда тўлиқ амалга оширилиши ва аёлларнинг бу хукуклардан фойдаланиш имконияти жуда муҳимдир.

Ўзбекистонда инсон хукуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам миллий тизим яратилди. Асосий қонунимиз — Конституция ва бир қатор кодекслар, қонунлар инсоннинг эркинлиги ва қадр-қимматини энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлаган. Бу қонунлар инсон хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлашда



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистондаги хуқуқий ислоҳотларнинг ажralmas қисми сифатида яратилган.

Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан Ўзбекистонда хотин-қизларга яратилган улкан имкониятлар туфайли аёллар давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда ва уларнинг мавқеи мунтазам равишда ортиб бормоқда. Давлат сиёсати аёллар учун ҳам хуқуқ ва эркинликларни кафолатлайдиган, ҳам интеллектуал ва маънавий ривожланишларига йўналтирилган кенг имкониятлар яратди. Бу имкониятлар касбий ва оиласвий мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажаришга кўмаклашади.

Аёллар масъулияти лавозимларда, жумладан, шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлар, элчилар сифатида фаолият олиб бормоқда. Бу уларга бўлган ишончнинг ортиб боришидан далолат беради.

Бугунги кунда давлат бошқарувида аёллар иштироки 33 фоизга, тадбиркорликда 35 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда эса 46 фоизга етган. Булар хотин-қизлар ўз билим ва иқтидорларини турли соҳаларда намоён этаётганининг яққол кўрсаткичидир.

Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Барча вазирлик ва идораларда гендер тенглик масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ташкил этилгани бу жараённинг муҳим қисмидир. Шу билан бирга, 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинди. Ҳар бир норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси гендер хуқуқий экспертизасидан ўтказилиши талаб қилинмоқда, бу эса аёллар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган муҳим қадамdir.

Аёлларни рағбатлантириш мақсадида “Мўътабар аёл” кўқрак нишони таъсис этилди. Бу мукофот уй бекалари ва фарзандларини баркамол этиб вояга етказган, жамиятда фаоллик кўрсатган аёлларга берилади. Мингдан ортиқ аёллар ушбу мукофот билан тақдирланган бўлиб, бу бошқа хотин-қизларга ҳам рух ва иштиёқ бериб, уларни фаолликка унданмоқда.

Юртимизда хотин-қизларни илм-фан соҳасига жалб қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилгани албатта қувонарли. Аёлларнинг фан ва тадқиқот соҳаларидағи иштироки ва муваффақиятлари нафақат жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини оширади, балки умумий ривожланишга ҳам катта ҳисса қўшади. Бу, шубҳасиз, гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини кўрсатади.

Ҳақиқатда, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг фан соҳасидаги эришган натижалари мамлакатимиз илмий салоҳиятининг юксалишини ва аёлларнинг муваффақиятларини нишонлайди. 6 нафар академик, 700 нафар фан доктори, 4780 нафар фан номзоди ва 200 нафар фалсафа доктори (PhD) даражасига эга бўлган аёллар шубҳасиз, фан ва илм соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар олиб бормоқда.

Бу ёрқин натижалар, ўз навбатида, ўзбек олималарининг халқаро саҳналардаги тан олишини ва уларнинг глобал илм-фан тараққиётига қўшаётган ҳиссасини кўрсатади.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Аёлларнинг ушбу соҳадаги муваффақиятлари гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини аниқ кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 март куни қабул қилинган “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш мақсадида муҳим қадам бўлиб хизмат қилимокда.

Ушбу фармон билан, аёллар ва оила масалаларидағи давлат сиёсатини янги даражага кўтариш, гендер тенгликни таъминлаш ва оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган асосий йўналишлар белгилаб берилди. Республика ва ҳудудларда ташкил этилган комиссиялар жамиятда хотин-қизларнинг ролини янада ошириш ва уларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши қутилмоқда.

Бу чора-тадбирлар орқали, жамиятдаги аёллар ва оилаларнинг ижтимоий мавқеини кўтариш, уларнинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсад қилинган.

REFERENCES:

1. Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма - Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б
2. <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>
3. <https://www.newsfactory.su/ru/economy/330243-v-ssha-poyavilsya-spetsialnyj-bankdlya-zhenschin>
4. Women's Entrepreneurship Strategy SEA Public Statement. URL:
<https://www.ic.gc.ca/eic/site/sea-ees.nsf/eng/ey00049.html> (07.02.2022)
5. <https://immigrant.today/canada/14416-novye-vozmozhnosti-dlja-zhenshhinpredprinimatelej-v-kanade.htm>
6. Impact to-date: BDC Capital’s Women in Technology Venture Fund invests in 25 companies. URL: <https://www.bdc.ca/en/about/mediaroom/news-releases/bdc-capitalwomens-technology-venture-fund-invests-in-25-companies>
7. <https://www.goodnewsfinland.com/ru/opinion/o-zhenshhinah-predprinimatelyah/>
8. <https://www.norway.no/ru/russia/norway-russia/news-events2/murmansk/news/-----/>
9. <https://asaf-today.ru/s032150750000696-7-1/>
10. <https://www.samdu.uz/cy/news/38497>
11. <https://yuz.uz/news/mustahkam-oila-faol-xotin-qizlar-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>
12. <https://xabar.uz/post/ayollarning-jamiyatdagi-rolini-kuchaytirish-boyicha>

